

## РУС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Шокаримова Камола Абдуллаевна, ЧДПУ

**Аннотация:** Ушбу мақолада бугунги кунда бошланғич синфларда рус тилини ўқитишда педагогик технологияларнинг аҳамияти ва қўлланиши ҳақида фикр юритилади. Таълим жараёнида интерфаол усуллар ва уни амалга оширишда ўқитувчида мавжуд бўлиши керак бўлган компетенция ҳақида тавсиялар берилади.


**Таянч сўзлар:** рус тили, педагогик технологиялар, таълим жараёни, компетенция, инновация, метод, таълим мазмуни.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается важность и использование педагогических технологий в обучении русскому языку в начальных классах на сегодняшний день. Даны рекомендации об интерактивных методах в образовательном процессе и компетенциях, которыми должен обладать преподаватель при его реализации.

**Ключевые слова:** русский язык, педагогические технологии, образовательный процесс, компетенция, инновация, метод, содержание образования

Маълумки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг —Таълим тўғрисидаги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда рус тилини ўқитишнинг мукамал тизими, яъни ҳар томонлама замонавий фикрловчи ёш авлодни тарбиялаш вазифаси қўйилган. Республикамизда жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратиш мақсадида рус тилига эътибор тобора ортиб бормоқда. —Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир деб алоҳида таъкидланади.

Бошланғич синфларда рус тилини ўқитиш мувоффақиятли амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда рус тили ўқитувчиларининг ўзларини ҳам ўқув йилидан бошлаб ҳафтанинг жума кунлари – —Рус тилини ўқитиш методикаси кунинда тажрибали тренерлар орқали қўшимча курсларда таълим оломоқдалар. Демак, ўқитувчиларда рус тилини замонавий талаблар асосида ўқитиш учун компетенциялар шаклланимоқда. Бугунги кунда 1-синфдан бошлаб рус тилини ўқитишни мувоффақиятли амалга ошириш учун педагогларга педагогик, психологик талаблар қўйилмоқда. Ўқитувчи кимни ўқитади, нимани ўргатади ва қандай технологиялар асосида ўргатади – деган савол қўйилади. Бунинг учун рус тили ўқитувчиси, авваламбор, ўз она тилини мукамал билиши, унинг фонетикаси, грамматикасини билгандагина рус тилини қиёслаш орқали ўқувчиларга ўргата олади. Узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ўқитувчи, жумладан, рус тили ўқитувчилари тилшунослик бўйича куйидаги зарурий компетенцияларга эга бўлишлари лозим:



Тилшуносликка оид бу компетенциялар умумий ҳолда тавсия этилган. Уларни янада —Кластер|| усули орқали қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин. Компетенциявий ёндашувни амалиётга тадбиқ этиш учун тажрибали мутахассисларни 1-2 ва 3-синфларда рус тилини ўргатишнинг аҳволини ўрганиш, мониторинг қилиш ёки мутахассислар фаолиятини ўрганиш ва уларга методик ёрдам бериш бугунги асосий вазифалардан биридир. Шу мақсадда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасининг таълим маркази ташаббуси билан ўқув йилида вилоят рус тили ўқитувчиларининг метод бирлашмаси

ташқил этилди. Методик бирлашмада вилоятда фаолият юритувчи рус тил ўқитувчилари аъзо бўлиб, ҳар ойда бир марта вилоят туманлари мактабларида очик дарслар ташқил этилиб, ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида бугунги ёшларга тавсия этилаётган компетенциялар қай даражада шаклланганлигини ўрганишга ва уларга амалий ёрдам беришга қўл келмоқда. ХХІ аср ўқитувчиси тобора тараққий этиб бораётган бугунги фан-техника ютуқларига ҳар доим ҳозиржавоб бўлиши, улардан ўз дарсларида самарали фойдалана олиши керак бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида компетентли ўқитувчиларни кўпроқ бўлиши билан боғлиқдир. Дарсларда қўлланадиган илғор педагогик технологиялар ўқувчиларда рус тили фанига бўлган меҳрмуҳаббат туйғуларини уйғотиш, уларнинг чет тилига бўлган қизиқишини ошириш ва бу тилни мукамал билиш даражасига кўтариш, мантиқий аниқ ва тўлиқ нутқ эгаси бўлишига эришиш каби муҳим вазифаларни бажаришга ёрдам беради. Ўқитувчиларимиз бугунги кунда таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари асосида дарсларни ташқил қилиб келмоқдалар. Бизнинг бугунги кундаги асосий вазифамиз ДТС асосида ўқувчиларни ҳар томонлама эркин фикрловчи, ўзининг мустақил фикрларини тўлиқ баён эта оладиган баркамол авлод қилиб тарбиялашдир. Демак, дарс давомида шогирдларимизни —ўқувчи – тингловчи|| сифатида эмас, балки ўқитувчи билан бемалол баҳслашиш кўникмаларига эга бўлган фаол ўқувчиларни тайёрлашимиз керак бўлади. Бу вазифа, албатта, ноанъанавий дарсларда педагогик технологиялардан, интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Компетентли рус тили ўқитувчилари педагогик технологиялардан ўринли, мақсадли мавзуларнинг талабларидан келиб чиқиб, самарали фойдалансалар куйидагиларга эришадилар:

1. ўқувчиларга рус тилида гаплашиш бошқалар билан коммуникатив алоқага кириша олиш, тушина олиш, ва тўғри жавоб қайтара олиш;

2. ўқувчиларда рус тилини ўрганишга нисбатан мотив (қизиқиш) ўйғотиш ва қизиқишни давомийлигини, узлуксизлигини таъминлаш;

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мактаб ёшидаги ўқувчиларда рус тили саводхонлигини тўғри ташкил этиш ва узлуксизлик тамойиллари асосида ривожлантириб бориш уларнинг келажакда рус тилини ўрганишга қизиқиш билан ёндашишга ва самарали равишда инглиз тилида сўзлашувга ўргатади. Бу эса, рус тилини ўқитувчисига ўзига хос машаққатли меҳнатни талаб этади. Ўзбекистонлик олим профессор Н. Саидахмедовнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда ўқитувчилар ўқитиш методикасини кўп ҳолларда технологиялардан ажрата олмаяптилар. Методика ўтиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборатдир, методикадан кўзланган мақсад предмет мавзуларига оид назарияларни аниқ ҳодисалар текислигига кўчиришдир. Педагогик технология (ПТ) ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, бошқичларини кўриш, уларни жорий этиш, шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди. — Ёхуд, ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғиндидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг тўғрилиги, самарадорлиги, олдиндан лойиҳаланиш зарурияти билан методикадан фарқланиб туради!

Булардан ташқари, рус тили дарсларини ўтишда ўқитувчи ҳар хил усуллардан; аудио дарс (тинглаб тушуниш), видео дарс, интернет дарси, саёҳат дарси, мусиқа дарси, — модуль дарс, баҳс – мунозара, мусобақа дарси, — Заковат! ва интерфаол педагогик усуллардан фойдаланиш мумкин. Таълим ҳар доим ўқитувчидан ўз устида ишлашни, изланишни талаб этади. Бугунги кун ўқитувчиси компетенциявий ёндашув асосида инновациялар жорий қилиши, лойиҳалаштириш асосида замонавий педагогик технологиялар устида бош қотириши лозимдир. Шунинг учун, бугунги кун ўқитувчиларидан иложи бориша таълимнинг янги усуллари устида изланиш талаб этилади. Чунки ўқувчиларга анъанавий дарслар ёқмайди, уларни зериктиради, натижада ўқувчи дарс мазмунини яхши ўзлаштирамайди. Ҳар бир дарсдаги интерфаол усуллар қайтақайта машқ қилиниши оқибатида аниқ натижага эришилади. Ўқувчиларнинг зерикиб қолмаслиги учун педагогик технологиялардаги усулларнинг турлича бўлиши дарс самарадорлигини янада оширади.

Дарс жараёнларида ўқитувчи ўқувчи нутқига, мустақил фикрлай олишига, ўз фикрини рус тилида бемалол ифода эта олишга, ёзма иш, суҳбат, ҳикоя, мустақил фикрига таяниш каби шаклларига эътибор берилиши лозим. Аслида, педагогик технологиялардан ўқитувчи дарс жараёнида мажбурий фойдаланиши мумкин эмас. Айрим ўқитувчилар педагогик технологиялар афзалликларини ўзлари билмай туриб хўжақўрсинга фойдаланмоқчи

бўладилар. Ҳолбуки, буни ҳеч кимга кераги йўқ. ПТ дарсинг мазмунига, мақсадига қараб ишлатилса, у ижобий самара беради. Рус тили дарслари қандай шакл, метод ва воситалар ташкил этилишидан қатъий назар энг аввало педагогик технологиялар:

-педагогик фаолият таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш; - ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш;

-ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларни эгаллашни таъминлаш -ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;

-ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун шартшароитлар яратиш; -педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши лозим.

Бу каби педагогик технологиялардан фойдаланилганда, ўқувчиларнинг билим салоҳияти, фанга бўлган қизиқишлари янада ортади; билим, малака, кўникмалар янада шаклланади ва ўзлари танлаган фаннинг асосий тушунчаларини фарқлай оладилар. Ўқитувчи дарс жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланишдан олдин мавзу бўйича асосий тушунчалар ҳақида маълумот бериб ўтади. Шундан сўнг, ўқувчиларнинг мустақил равишда ўзлаштиришлари, такрорлашлари, олган маълумотлари доирасини кенгайтиришлари ва мантиқий фикр юритишлари осон кечади. Бунда интерфаол усулларнинг аҳамияти янада ошади. Қуйида бундай усуллардан бирининг рус тили дарси жараёнига тадбиқини кўриб чиқайлик.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Н.Саидахмедов. Педагогик технологиялар. –Тошкент, —Фан», 2006.
2. Х.Ж. Худойқулов, А.Кенжабоев —Замонавий педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир| Тошкент —Наврўз| 2013 йил 76-77 бетлар